

Футбол — халқ севган ўйин. Гарчи у ўзбекча номланма-са-да, Ватани ҳам Англия ҳисобланса-да тушунлиши осон бўлгани, қонун-қоидалари оддий тарзда тузилгани, муҳими у билан ҳар бир киши бемалол шугуллана олиши учун ҳам футбол бутун дунёда машҳур бўлиб кетган, ҳар бир халқ уни ўзиники деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам у халқ ўйини, миллионлар ўйини деб аталади.

Ёшлик чоғларида бир марта бўлса ҳам тўп тепмаган ўғил бола бўлмаса керак. Лекин кейинчалик бу соҳани ўзига касб қила олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Машҳурлик ҳам ниҳоятда оғир юқдир. Ғалаба қилсанг эл сени кўкка кўтаради, мағлуб бўлсанг... Майдонда ун бир киши бирлашиб ҳаракат қилгани билан, уларнинг меҳнати натижаси бутун омма кайфиятига таъсир қилади. Севимли команда ютса эркак киши хонадонига ёқимли қўшиқ айтиб киради, йўл-йўлакай бозор қилади, аёлига ва болаларига совга-саломларидек. Жонажон команда мағлуб бўлса уйдаги идиш-товоқлар синади, режалаштирилади тўй ҳам орқага сурилади. Худди мағлубиятга улар ҳам сабабчидек. Хуллас, футбол эл юрагидан жой олган ноёб спорт турларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу соҳада хизмат қилаётган кишилар тезда машҳур бўлиб кетадилар, ишини қойилмақом қилиб ба-жарганлари эса доимо эл ардоғида қоладилар.

Ўзбек футболлини Ахбор Имомхўжаевсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Футболга бўлган муҳаббатимизни юрагимизга ана шу фидоий инсоннинг ширали овозлари олиб кирган десак ҳеч қандай муболага бўлмайди. Эсимда, ёшлигимизда «Пахтакор» сафардаги ўйинларни бой бериб қўйса «Репортажни Ахбор ака олиб борганларида балки ютармидик» деб ўзимизни оунтирардик. Кейинчалик, юртимиз мустақил бўлиб ўз футболимиз ривожини учун дастлабки қадамлар бошланганда, Ахбор ака фақат овозлари билан эмас, балки амалий иш билан ҳам ана шу хайрли ишга ўз улушларини қўшиш учун республика футбол федерациясига ишга ўтганларида, бошқа спорт шарҳловчилари эса уларчалик қилиб қалбимизга кириб боролмаганларида, бу инсонга овозни худовондо каримнинг ўзлари берганларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Албатта, Ахбор ака овозига ўрганган мухлислар кўп нар-

са йўқотишди, ammo мамлакат футболга мутасадди раҳбарлардан бири сифатида шуни маъсулият билан айтаманки, А.Имомхўжаевнинг амалий ишга утганликлари юртимиз футболни ривожига учун муҳим қадам бўлди. «Пахтакор — 79» хотира турнири финал уйинларини марҳум футболчилар туғилиб ўсган жойларда ўтказиш, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ўзбек футболни ҳафталигини ташкил этиш каби ташаббуслар айнан Ахбор акадан чиққан. У кишининг икки тилда тайёрлаган стадионлар суҳандонлари учун битилган методик қўлланмалари эса ўзларининг кўплаб шоғирдлари учун бебаҳо совға бўлди.

Мана энди Ахбор ака яна ҳар бир ишқибоз хонадонига кириб боради, бу сафар ўз овозлари эмас, балки ўз қаламлари билан. Ва ишонинг, уша пайтдаги Ахбор ака шарҳлари қандай юракдан чиққан бўлса, ушбу китобдаги саҳифалар ҳам юрак амри билан битилгандир.

Сўнги пайтларда республикамизда футболни ривожлантиришга катта эътибор берилётганини мухлисларимиз яхши билишади. Қисқа вақт ичида ҳукумат миқёсида иккита қарор қабул қилиниши ҳам бу соҳага бўлган эътиборни қай даражадалигини кўрсатди. Энг муҳими, бу хайрли ишларга муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг шахсан ўзлари бошқош бўлмоқдалар.

Ахбор ака «Футбол — қувончим, дардим, фаҳрим» номли китоблари билан ҳар биримиз қўлдан келганича республика футболни ривожига учун ҳисса қўшишимиз мумкинлигини қолганларга ибрат қила олдилар. Мен бу китоб қўлёзма-си билан футболга маъсул раҳбар бўлганлигим учун кўз қизиқдим, ammo бир ишқибоз сифатида маза қилиб ўқидим.

Ахбор ака республика тоифасидаги ҳакам ҳамда спорт шарҳловчиси бўлгани учун футболнинг кўпгина биз билган ва билмаган воқеаларидан хабардор бўлган. У киши ишлари шунчалик кўп бўлишига қарамасдан, ана шу билганлари ва кўрганларини мухлисларга етказиш мақсадида қозғоқ қораланганлар.

Бутун умрини футболга бахшида қилган А.Имомхўжаев ҳаммамизнинг сеvimли жамоамиз «ПАХТАКОР»нинг энг яқин дўсти бўлган. Жамоа уйинчилари билан жуда кўп шахарларга бирга борган, бир дастурхонда чой ичиб, бир меҳмонхонада дам олган. Хуллас, футболчиларнинг яхши ва ёмон кунларига шерик бўлган. Мусофирликнинг машаққатларини бирга кечирган. Футболчилар авиация ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмганларини эшитганда Ахбор ака қандай ҳолга тушганини тасаввур этиш қийин. Унинг ўша машғум кунлар, жаҳон футболининг юдузлари бўлиб етишайтган уйинчиларимиз ҳақидаги хотираларини ўқир экансиз, беихтиёр кўзингиз ёшланади. Чунки, бу хотираларда ёлгон йўқ. Юракдан ёзилган.

ЗОКИРЖОН АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, республика футбол федерацияси президенти

Кўм-кўк майдонларда туп тегиб эл-юртга танилган, ўзбек футболни шуҳратини оламга ёйишга салмоқли ҳисса қўшган ва минг афсуски, турли йилларда бу кўҳна дунёдан бевақт кетган пахтакорчи дўстларим хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИМ

Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Эшон гузар маҳалласида таваллуд топганман, болалик ва ўспиринлик йилларим ҳам шу ерда ўтди, бундан олти йил муқаддам эса шаҳримизнинг Жарариқ мавзесидаги баланд қаватли бинолардан бирига кўчиб ўтдик.

Дадамиз Рустамхўжа маҳалламизнинг энг обрўли ва илғор кишиларидан эди. У киши маҳалла фаровонлиги, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, кўчаларимизга асфалт ётқизиш, электр чироқларини ва водопровод трубаларини келтириш, болалар богчасини очиш ишларида фаол иштирок этганлар. Шу ишлар юзасидан бир неча марта республикамизнинг Абдужаббор Абдураҳмонов, Усмон Юсупов, Амин Ниёзов каби раҳбарлари билан учрашганлар. Дадамнинг бевосита раҳбарликларида маҳалламиздаги «Қундуз» кўчасида волейбол майдончаси бунёд этилиб, у ер кечқурунлари шу спорт тури ихлосмандлари билан тўлиб тошарди.

Онамиз Ҳайрихон асосан уй ишлари ҳамда бола тарбияси билан машғул бўлганлар. Улар маҳалламиздаги қиз-жувонларни йигиб, уларга араб тилини ўргатардилар. Маҳалладаги ҳеч бир тадбир онамларнинг маслаҳатларисиз ўтмасди, У кишининг хотиралари ниҳоятда кучли эди, бир неча ўн йиллар аввал бўлган воқеалар, саналар, кишиларнинг номларини ёддан билардилар.

Йўлдош Охунбобоев номидаги 45-мактабда меҳрибон устозимиз Меҳри опа Расулова биринчи бўлиб алифбо сирларини, қўлга қалам ушлашни ўргатганлар. 1979 йилда мактабни битирганимизнинг 25 йиллиги кунда севиқли муаллимамиз бўйниларига «Биринчи устозим Меҳри опага» деб ёзилган медални осиб қўйганимда, уларнинг кўзларида севинч ёшлари қалқиди, дуо қилдилар.

Маҳалламизда яхши бир анъана бор эди. Ҳафта-нинг ҳар шанба куни маҳалла идорасида урта ва катта ёшлардаги кишилар тўпланиб турли хил мавзуларда суҳбат қуришарди, биз ўқувчилар эса уларга газета ва журналлардан қизиқарли мақолалар ўқиб берардик. Отамларнинг қистовлари билан мен «Правда Востока» газетасидаги мақолалардан парчалар ўқиб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб берардим. Бордию ўзбекча газета бўлса ҳам менга барибир «Правда Востока»ни ўқитишарди. Кейинчалик билсам, буни менга ниҳоятда катта фойдаси бўлган экан.

Бир куни мактабимизда ёзувчилар билан учрашув бўлармиш деган гап тарқалди, ҳар бир синф ўқувчилари учрашувга бағишлаб деворий газета ва фотоалбомлар тайёрлашди. Мўлжалланган кун мактабимизга ёзувчилар Парда Турсун ва Асқад Мухтор ташриф буюришди. Ҳаммамиз адабиётга чанқоқ ёшлар эдик, шунинг учун ҳам иккала машҳур қалам усталарининг суҳбатларини мароқ билан тингладик.

Мактабимизда тажрибали, билимли ўқитувчилар жуда кўп эди. Турсунхўжа Юсупов, Ася Измайлова, Қобил Муҳамедов, Осие Шокирова каби ўқитувчилар дарсларини сабрсизлик билан кутардик. Айниқса тарих ўқитувчимиз Осие опа бизни сеҳрлаб кўярдилар. Балки ўқувчилар орасидан кейинчалик кўплаб тарих мутахассислари етишиб чиқишишига шу киши сабаб бўлгандирлар.

Мактабимизда жисмоний тарбияга ҳам катта эътибор бериларди. Спортнинг гимнастика ва футбол турлари бўйича жамоамиз нафақат туманда, балки шаҳарда ҳам энг илгорлардан бири ҳисобланарди. Ўқитувчиларимиз Давид Жавадов ва Қобил Хўжаев раҳбарлигида турли-туман ўртоқлик учрашувларида ҳамда мусобақаларида қатнашар эдик.

Ҳар йили баҳор ва куз фасларида утказиладиган футбол бўйича мактаб биринчилиги ўйинлари ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Ҳамон эсимда 9-«Б» синфида ўқиётганимизда 10-«Б» синф ўқувчилари устидан голиб чиқдик, рақибларимиз ўқитувчимиздан натижани мактабдаги катта экранга ёзмай туришини илтимос қилишса, биз бўлсак экрандаги катакларни тезроқ тўлдирилишини талаб қилардик. Мусобақанинг сўнгги куни биз 8-«А» синфнинг кучли команди билан учрашдик. Совринли учликка кириш учун албатта голиб чиқишимиз керак эди. Ниҳоятда қизи-

қарли ўтган ўйиннинг сўнги икки минути қолгунга қадар ҳисоб очилмади. Шу дақиқада рақибларимиз дарвозадан 28—30 метр узоқликда қондани бузишди. Мен жарима тўпини тўппа-тўғри дарвоза томон кучли зарб билан теңдим, дарвозабон Ўзар Исломов баландан келаётган тўп йўлига ўзини отди, тўп эса унинг қўллари ҳамда дарвоза тўсини оралигидан ўтиб, 5—6 метр нарида бўлган омборхона (у даврда дарвозаларга тўр тутилмаган эди) эшигига тегиб қайтди, биз зафар кучдик.

Мактабда ўқиб юрган вақтларимизда бир гуруҳ футбол ўйинига чанқоқ болалар қўшни маҳаллалар, гузарлар, лагерларда дам олаётган тенгдошларимиз билан кўплаб ўртоқлик учрашувлари ўтказардик. Самарқанд Дарвоза, Оқ тепа, Қатортолдаги болалар дам олиш масканларидаги командалар билан бўладиган ўйинлар кейинчалик анъанага айланиб кетди. Мана шундай баҳслашувларда маҳалламиз шарафини Жаббор Нажимов, Рамзиддин Зайниддинов, Ҳамидулла Салоҳиддинов каби тенгдошларимиз билан ҳимоя қилардик.

Бир куни Оқ тепадан қайтаётганимизда дарвозабонимиз Жаббор Нажимов уйга тезроқ етиб олиш учун юк машинасига осиламан деб йиқилиб тушди ва унинг тиззалари тошларга тегиб шилиниб кетди. Ўша куни кечқурун Азиза опа (Жаббор у аёлнинг ёлғиз ўғли) барчамизни бошлаб уришдилар, дарвозабонимиз соғайиб кетгунга қадар биз ўртоқлик учрашувларидан воз кечишга мажбур бўлдик, у сафимизга қайтгач опага сездирмаган ҳолда яна ўйинларни давом эттирдик.

Ана шундай ўйинларда қатнашиш борасида бизга энг яқин ёрдам берган кишилардан бири, футболнинг ҳақуқий фидойиси, машҳур хонанда Фахриддин ака Умаров эдилар. Қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи Фахриддин ака бизни кўпинча Ачавотдаги Абдулла Набиев номидаги маданият ва истироҳат богида жойлашган футбол майдонига ўзларининг «Победа» енгил машиналарида (баъзан 2—3 мартадан қатнаб) олиб борардилар.

Ўйин бошланиб кетгач, майдон атрофида айланиб юриб командамиз аъзоларини қўллаб-қувватлаб турардилар, баъзи вақтларда эса ўзлари ҳам майдонга тушиб биз билан биргаликда тўп тепардилар.

Баъзан ўша кунларни эслаб қоламан, у даврларда

ҳозирги кунга ўхшаб малакали ҳакамлар кўп эмасди, ўйинларни бошқариш иши кўпинча тренерларга ёки жисмоний тарбия ўқитувчиларига топширилар, улар эса бу вазифани ажабтовур уддалар эдилар. Биронта ўйинчи ҳакам билан айтишиб қолганлигини ёки унинг ҳатти-ҳаракатидан норози бўлганлигини эслайолмайман. Биз ҳакамларни ўз ўқитувчи-мураббийимиз деб билардик, уларга ҳурмат эътиборимиз доимо баланд бўларди.

Тошкент вилояти педагогика билим юртида ўқиб юрган давримизда, каттароқ спорт майдончаси бўлмаганлиги сабабли, кўпроқ волейбол бўйича машгулотларда иштирок этардик, кейинчалик шаҳар ва вилоятдаги ўрта махсус билим юртлари биринчилигида голиб чиқдик. Ўқишни ҳамда жисмоний тарбия бўйича уч ойлик курсни тугатгач бош пионервожатий, бошлангич синф ва жисмоний тарбия (5—7 синфлар) ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлдик. Йўлланма билан Мирзачўл тумани Олтин ўрта қишлоқидаги мактабда иш бошладим. Мактаб жамоаси билан ҳамкорликда ишга шўнгиб кетдик, ҳар соҳада бизга мактаб директори Абдужаббор Ҳамдамов яқиндан ёрдам берардилар. Энг катта муаммо ўқувчиларда спорт формасининг йўқлиги эди. Қўшни тумандаги бир ҳамкасбнинг таклифи билан ўша камчиликларни тугатиш чоралари ҳам топилди. Мактаб яқинидаги ҳовлилардан бирида ўқувчилар келтирган шиша идишлар тўпланадиган бўлди, ҳар бир ўқувчи уйдан камида бештадан шиша идиш олиб келиши лозим эди. Синфлар ўртасида ўзига хос мусобақа бошланиб кетди. Баъзи ўқувчилар шишалар сонини 40—50 тага етказишди.

Махсус комиссия тузилди, шишалар дўконларга топширилиб, уларнинг пуллари олинди, Тошкентга келиб «Динамо» спорт магазинидан ўқувчилар учун спорт формалари, тўплар, волейбол тўрлари, гимнастик таёқлар, ҳалқалар харид қилинди. Тез орада мактабда ҳашар йўли билан футбол, қўл тўпи, волейбол майдонлари, енгил атлетика сектори, мерганлик тири бунёд этилди. Туман мактаб ўқувчилари спартакиада-си дастуридаги волейбол ва мерганлик (унинг таркибида ўқитувчилар ҳам иштирок этишарди) мусобақаларида иккинчи ўринни эгалладик, мерганликнинг шахсий беллашувларида ҳам менга иккинчи мукофот насиб этди. Кейинги йили мени туман «Пахтакор» қишлоқ жамияти раислигига сайлашди.

1959 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг футбол мутахассислиги бўйича бўлимига қабул қилиндим. Гуруҳимизда Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Вали Шамсимуҳамедов, Виктор Поликарпов, Владимир Копанев, Ботир Иброҳимов, Элдор Қушбахтиев каби футболчилар бор эди.

Айнан уша йиллари Ўзбекистон радиосида спорт шарҳловчилари учун республика конкурси ўтказилаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим, икки тилда репортаж олиб боришга қизиқувчилар ҳаммаси бўлиб 26 киши эдик. Аввал адабиёт ва спорт ҳақида давра суҳбати бўлди, кейинчалик овозимизни микрофонга қандай тушишни билиш мақсадида оддий матнларни ўқитиб кўришди, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги терминология ҳақида гап борди...

«Пахтакор» Марказий стадионининг юқоридаги йўлкасига келтирилган махсус радио — автобус ичида ўтириб, ўйинни кузатган ҳолда олиб борган репортажларимиз ленталарга ёзилиб, эртасига мутахассислар томонидан муҳокама қилинарди. Конкурс натижалари эълон қилинганида унда Роман Турпишчев ҳамда мен голиб деб топилдик. «Пахтакор» мамлакат чемпионатининг «Б» гуруҳи мусобақаларида иштирок этарди. Биз радио орқали репортажлар олиб боришга қизиқиб кетдик. Уша 1958 — 1959 йилларда «Пахтакор» тўртинчи ўринларни эгаллади.

Футбол ўйинларига ҳакамлик қилишни ҳам талабалик йилларимда бошлаганман, шу баҳона собиқ мамлакатнинг кўплаб йирик шаҳарларини кўришга муяссар бўлдим, бир қанча оламга машҳур тренерлар, ўйинчилар, ҳакамлар билан танишдим, Ҳакамлик қонун-қоидаларини билиш менга ўйинларни шарҳлаш даврида айниқса қўл келарди.

Институтимиз футбол командаси Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари командалари орасида энг кучлиси бўлиб, у икки марта Бутуниттифоқ мусобақаларида ҳам зафар кўчган. Талабалик йилларимдан бошлаб футболга, унинг тараққиётига, тарихига, техника ва тактикасига, илмий-методик йўналишларига, ҳакамлигига оид адабиётлар йига бошладим. Ўқишни тугатган йилимиз менга Республика тоифасидаги ҳакам унвони берилди.

Отамиз 94, онамиз эса 85 йил умр кўришди, икковларининг ҳам жойлари жаннатда бўлсин.

Республикамиз газета ва журналлари учун мақола-

лар ёзиш, радиоэшиттиришлари ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида қатнашиш, аввал мактабда, кейинроқ институтда ўқитувчилик қилиш, футбол ўйинларини бошқариш каби тадбирлар мени бутунлай ўзига ром қилиб олганди. Бу орада Талъат Усмонхўжаев ва Любов Шехова билан ҳамкорликда ёзилган «Жисмоний тарбия дарси материаллари» китобимиз босмадан чиқди. «Қувноқ стартлар» мусобақалари учун бир неча сценарийлар ёзиб бердим. Уша даврда республика журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Москвада ўтказилган «Ҳозирги замон жамиятида спорт» Халқаро конгрессида, собиқ мамлакат спортчилари уюшмасини тузиш конференциясида иштирок этдим. Жанубий Корея пойтахтида ўтказилган XXIV Олимпия ўйинларини кўриш бахтига муяссар бўлдим.

Орадан йиллар ўтиб фаолиятимда шундай бир кун келдики, энди ўқитувчилик билан шарҳловчиликни бирга олиб бориб бўлмасди ва мен Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси спорт кўрсатувлари ва эшиттиришлари таҳририяти Бош муҳаррири Роман Турпишчев тавсияси билан уша таҳририятига ишга кирдим. Чарм тўп мухлислари томонидан қизгин кутиб олинган «Футбол майдонларида», «Ёш футболчилар мактаби», «Футбол. Стадионлардан дарақлар» кўрсатувлари эфирга чиқа бошлади. Республикада хизмат кўрсатган тренерлар Исоқ Тошмухамедов ва Асқар Толибжонов «Ёш футболчилар мактаби»нинг дастлабки ўқитувчилари бўлишди. Дастлабки машгулотларда қатнашган Олимпия ўринбосарлари билим юрти ўқувчилари Собир Ходиев, Арсен Балаян, Сергей Варламов, Саид Турсунов, Акмал Ҳошимов республикамизнинг етук футболчилари бўлиб етишдилар.

«Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларида иштирок этган командалардан энг омадилари кейинчалик Ўзбекистон чемпионлари бўлишди ҳамда халқаро мусобақаларда серкўёш республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясида хизмат қилмоқдаман, чарм тўп мутахассислари билан ҳамкорликда ўлкамизда халқимиз севган ўйиннинг барқ уриб ривожланишида, мамлакатимизда истеъдодли ёшлар кўпайишида, энг кучли жамоалар ҳамда миллий командаларнинг халқаро ўйинларда қатнашишида, ҳакамларимизнинг маҳорат-

ларини оширишда, янги-янги стадионлар барпо этилишида, шарҳловчилар ва дикторлик санъатини юксалтиришда, футбол бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини янги погоналарга кўтаришда баҳоли қудрат фаолият кўрсатмоқдаман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳаммамиз ардоқлайдиган халқ уйинини ҳар томонлама ривожланишига йўл очди. Энди футболга республикамыздаги барча вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бевосита раҳбарлик қила бошладилар.

Ўзбекистон футбол федерациясида шу соҳани тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларига катта аҳамият берилмоқда.

Яқинда федерация ҳамда республика футболни ривожлантириш жамгармаси энг яхши ўрнак кўрсатган журналистларга ўз совринларини таъсис этди: шарҳловчилар учун Роман Турпишчев, футбол дастурлари муаллифлари учун Эдуард Аванесов, қалам тебратувчилар учун Геннадий Красницкий, дикторлар учун Мақсуд Шарипов ҳамда сураткашлар учун Ҳамид Раҳматуллаев мукфотлари йил якунида ўз эгаларига тақдим этилади.

Бир вақтлар Роман Турпишчев ва мен «Динамо» Тбилиси ҳамда «Жалгирис» Вилнюс командалари билан чет элларга ташриф буюраётган шарҳловчиларга ўхшаб биз ҳам хорижий мамлакатларга борармиканми деб орзу қилардик. Роман гимнастикачилар билан АҚШга ва енгил атлетикачилар билан Италияга бориб келди, менга эса олимпиадачилар билан бирга Жанубий Корея мамлакатига ташриф буюриш насиб этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган чет элларга чиқадиغان командалар сони ҳам ортиб бормоқда, энди журналистлар учун ҳам бундай сафарлар кўпайиши кишини қувонтиради. Сафар Остонов, Абдор Ғуломов, Тимур Низаев, Азим Алимов, Шариф Қодиров Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб XII Осиё уйинлари баҳслашувларини тамоша қилдилар, фарғоналик ҳамкасбимиз Муҳаммаджон Обидов «Нефтчи» командаси футболчилари билан Катар ҳамда Таиланд мамлакатларида бўлиб қайтди. Насиб этса бундай сафарлар энди кўпаяди.

Мен шу нарсадан хурсанд бўламанки, кейинги

йилларда «Пахтакор-79» командаси аъзолари хотирасини абадийлаштириш борасида кўплаб савобли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкентлик Гатаул Межетов, Наманган вилоятининг Уйчи туманида яшовчи Мамадали Муминов каби футболимиз жонкуярлари айнан уша 1979 йилда таваллуд топган болаларни тўплаб, бир командага йигдилар. Улар кўплаб халқаро ва республика турнирларида қатнашиб келишмоқда. Мастерлар командалари ўртасида ўтказилиб келинаётган мусобақаларнинг финал учрашувлари илгари доимо Тошкент шаҳри стадионларида бўлиб ўтарди. Энди эса навбатма-навбат оламдан бевақт кўз юмган футболчиларимиз юртида ўтказилмоқда. Уларга уша пахтакорчиларнинг оила аъзоларининг таклиф этилиши нур устига аъло нур бўлмоқда. Ҳозирча бундай тадбирлар «Пахтакор» командасига Николай Куликовни етказиб берган Янгиер шаҳрида ҳамда Равил Агишев ва Владимир Собировнинг ёшлик йиллари ўтган Бухорода бўлиб ўтди. Ўтган йил эса команданинг энг ёш аъзоси Сирожиддин Бозоров юрти Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани финал ўйни иштирокчиларини кутиб олди...

Миллий терма жамоамизни ҳам жаҳон таний бошлади. У «Тошкент-94» Халқаро турнирида Марказий Осиёда биринчи бўлди, «Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги» мусобақаларида бош совринни қўлга киритди. Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган 12 Осиё ўйинларида оламшумул галабага эришди. Фаргонанинг «Нефтчи» жамоаси республикамизнинг клуб командалари орасида биринчи бўлиб ўзбек футболини оламга кўз-кўз қилди: қаторасига тўрт марта республика чемпионатида голиб чиқди, Ўзбекистон кубогини қўлга киритди, Ҳамдўстлик Давлатлари чемпионлари халқаро турнирида фахрли иккинчи ўринни эгаллади, Осиё мамлакатлари чемпионлари кубоги баҳслашувларида кўпгина кучли жамоаларни ортда қолдириб учинчи совринли ўринга сазовор бўлди.

1992 йил баҳорида катта ўғлимиз Аббор бир гуруҳ ёш журналистлар билан Америка Қўшма Штатларида бир ойлик сафарда бўлиб қайтди.

У жўнаб кетишидан олдин рафиқаси Саидахон кўзи ёрийдиган бўлса, бу ҳақда албатта унга телефон орқали хабар беришимизни сўради. Мен унга қандай қилиб хабар бераман десам, бу ҳақда АҚШнинг Москвадаги элчихонаси билан келишиб олганлигини га-

пириб берди ҳамда элчихонанинг телефон рақамларини ёзиб қолдирди.

Оиламизда янги набира тугилган куннинг эртасига Москвага элчихонага сим қоқдим. Аввалига котиба қиз билан сўзлашдик, у менинг кимлигим ва қандай масалада телефон қилаётганлигимни аниқлаб олгач элчи ёрдамчиси билан улади. Карел Штолцнинг ёқимли ва салобатли овози худди машҳур диктор Юрий Левитаннинг овозига ўхшарди, энг асосийси у рус тилида бемалол сўзлашарди.

Штолц мендан янгиликни эшитгач гўё мен эмас, у неваралик бўлгандай жуда хурсанд бўлиб кетди. У элчихонанинг барча ходимлари номидан бизни қизгин табриклади, чақалоқнинг саломатлиги, унинг вази, онасининг соглиги ҳақида эринмасдан сўраб чиқди. Кейин ҳавотир олмаслигимизни ва шу бугуноқ Америкага хабар беришини айтди. Мен элчи ёрдамчисига ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Аброр АҚШдан қайтгач бизнинг хушхабаримиз қандай ҳолатда етиб борганлиги билан қизиқдим. Ўғлимнинг гапига қараганда, делегация аъзолари Чикаго шаҳрини тамоша қилишаётганда бир киши уларни айлантириб юрган икки гиднинг бирини четга таклиф этиб Москвадан келган хушхабарни айтган. У эса шериги билан маслаҳатлашиб олгач, бошқа ҳеч кимга сездирмасдан шу яқин атрофдаги ресторандан ўн киши учун катта столга буюртма берган. Тушки овқатга ресторанга кирганларида стол устига каттагина гулчамбар қўйилган экан. Бундан барча журналистлар хайрон бўлишибди. Бир пайт Америка туризми ҳодими меҳмонларни столга таклиф этиб, қўлига қадаҳни кутарган ҳолда барчани ҳозиргина олинган хушхабар билан таништирибди. Қарсақлар янграб, шериклари Аброрни қучоқлаб, ўпиб табриклашибди.

Шундай қилиб Тошкентда дунёга келган Дониёр шарафига Чикагода қадаҳ кутарилибди.

Полшаллик чарм тўп мухлислари шу мамлакатда истиқомат қилувчи Осинскийлар оила аъзоларидан ташкил топган футбол командасини яхши билишади. Ҳақиқатан ҳам Петр Осинскийнинг ўн бир ўгли битта командада ўйнашади, уларнинг энг каттаси 49, кенжаси эса 22 ёшдадир. Вақти-вақти билан Осинский,

унинг рафиқаси ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўз командаларининг атрофдаги бошқа футболчилар билан бўладиган қизиқарли учрашувларни мириқиб тамоша қилишади. Яқинда Осинскийлар невараларининг сони 22 тага етди. Демак энди икки команда ташкил этиш имкони пайдо бўлди.

Бу мисолни келтиришимдан мақсад шуки, бизнинг оиламизда ҳам шу кеча-кундузда ўн икки невра ўсиб вояга етмоқда (уларнинг тўққизтаси ўғил болалар, каттаси ўн икки ёшда, энг кенжаси эса 8 ойлик).

Орзуга айб йўқ деганларидек, эҳтимол келажакда, худо насиб этса, бизнинг невараларимиздан ташкил топган команда тузилиб турли хил баҳслашувларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлар...

Менинг спорт шарҳловчиси бўлиб етишишимда, унинг ниҳоятда қийин ва шу билан бирга кўп қиррали томонларини ўрганишимда ўзларининг самимий маслаҳатлари билан кўп марталаб ёрдам берган Ўзбекистон радиоси ходимлари — Бурхон Зиёев, Туйғуной Юнусхўжаева, Қаҳҳор Орифжонов, Телман Йўлдошев, ойнаи жаҳон заҳматкашлари — Убай Бурҳонов, Элбек Мусаев, Даврон Зуннунов, Шомил Утешев, Ирина Пермякова ва бошқалардан бир умр миннатдорман. 45-мактабни биздан уч-тўрт йил аввал тугатган Қаҳҳор Орифжонов аввал шу мактабнинг ўзида бош пионервожатий бўлиб ишладилар, кейинчалик эса республика радиосининг етакчи дикторларидан бири бўлиб етишдилар. У кишининг: «Ахборжон, Сен репортаж вақтида тез гапиришга ҳаракат қилиб, баъзи сўзларни талаффуз қилишда хатоликларга йўл қўймоқдасан. Масалан, рус тилида игрок с мячом дейилса тўғри бўлади, шу сўзни ўзбекчага ўтирганда ўйинчи туپ билан дейилса бироз гализ чиқади. Демак, унинг ўрнига бошқа жумла топиш керак. Иккинчидан, фамилияларни тез айтмоқчи бўлганимда, ундаги сўнги харфлар чайналиб кетади, натижада тингловчи уни тўғри тушунмайди. Исм-шариф айтилаётганда унинг тўғри талаффуз қилиниши, урғу қайси жойга берилишини мукамал ўрганиб олиш зарур. Сўзлаётган вақтингда сени миллионлаб кишилар тинглаётганлигини бир зум ҳам унутмаслигинг керак» деб айтган қимматли ўғитлари ҳамон ёдимда.

Шарҳловчилик соҳасида биргаликда хизмат қилган, елкама-елка барча қийинчиликларни енгиб ўтган, ҳар ерда ва ҳар доим бир-бирини қўллаб қувватлаган

Константин Тимохин, Шоабдулла Муҳаммаджонов, Азим Алимов, Азим Пулатов, Юрий Ковалев, Роман Турпишчев, Файзулла Баҳодиров, Фарид Сафин, Виктор Левин, Раҳмонқул Болтаев, Давлат Турдиалиев каби дўстларим билан доим фахрланиб юраман.

Спорт шарҳловчиси деган ўта нозик ва шу билан бирга фахрли касб эгалари сафларига кейинги йилларда Абдумутал Қодиров (Фаргона), Зокир Йигиталиев (Наманган), Ҳусан Темиров (Қарши), Бахтиёр Асадов (Бухоро), Мирзаҳаким Тўхтамирзаев (Тошкент), Анвар Охунов (Қўқон) каби ёшлар қўшилаётганидан қувонаман.

Тошкентдаги Ҳабиб Абдуллаев номли 193-мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Ўз ишининг жонкуяр устаси, халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими Тўлқин Ҳайдаровнинг шогирдлари кўплаб мусобақалардан совринли ўринларни олиб қайтишган.

Республика телевизион «Қувноқ стартлар» мусобақаларида мактабнинг «Умид» командаси Ўзбекистон чемпиони бўлди, кейинчалик Белорус ва Молдова давлатлари мактаблари ўқувчилари билан учрашиб, уларни ҳам енгди.

«Умид» командаси аъзолари республика биринчилигининг финал ўйинида қатнашаётган куни учрашув бошланишига саноқли дақиқалар қолганида «Ёшлик» аренасига хушxabар келди. Тўлқин Ҳайдаров оиласида ўғил дунёга келган, ҳайъат аъзолари шу ернинг ўзида бахтиёр отани муборакбод этдик ва ҳаммамиз маслаҳатлашиб чақалоққа Умид деб от қўйдик.

Финал учрашуви ниҳоятда қизиқарли ўтди. Бир-бирига мос бўлган иккала команда бор маҳоратини ишга солди, чаққонлик, эпчиллик ва кучлилик баҳслашувлари ўйин охиригача давом этди. Мусобақа ташкилотчилари ҳам бу сафар саҳийлик қилишганди, дастлабки уч ўринларни эгаллаган командаларнинг барча аъзоларини алоқида-алоҳида совринлар кутарди.

Сўнгги ўйин олдидан «Умид» рақибидан олдинга ўтиб кетди. Охириги «Аралаш эстафета» натижасидан қатъий назар энди унга етиб бўлмасди. Шундай бўлса ҳам шиддатли беллашув сўнгги дақиқагача давом этди. «Умид» командасининг сафида энг кейин турган ўқувчи югуришни бошлади: югуриш, сакраш, ўмбалоқ ошиш, яна югуриш, теннис коптогини нишонга отиш,

тўсиқлар остидан эмаклаб бориш. У брча машқларни тезкорлик билан бежарди, теннис коптогини отгач... бирдан ўнг елкасини ушлаб қолди. Демак, қули елкасидан чиқиб кетган, шунга қарамасдан у ўнг қўлини осилтирган ҳолда эмаклашни бошлади. Бундай вақтда бақир-чақирдан тинмайдиган болалар бирдан жимиб қолишди. Ҳамма ҳайрон, ўша ўқувчи эса сўнгги тўсиқ ва финиш чизигини кесиб ўтди-ю ўзини ўқитувчисининг қўлига ташлади.

Ўшанда мен ҳаётимда биринчи марта «Қувноқ стартлар» мусобақасини шарҳлаб туриб йиглаб юборгандим. Тўлқин Ҳайдаров болани даст кўтариб арена-нинг иккинчи томонига югуриб борди, бахтимизга у ерда самбочилар машгулот ўтказишаётган экан, уларнинг устози бир пастда чиққан қўлни солиб қўйди.

Голиб ва совриндорларни тақдирлаш бошланди, шунда мен ҳайъат раисидан ҳалиги ўқувчига «Спортдаги матонати учун» кубоги топширилишини илтимос қилдим. Учрашув сўнггида ўртага ўша ўқувчи таклиф этилиб унга алоҳида катта кубок топширилди.

Ўша ўқувчи ҳозирги кунда ўзбек эстрадасига дадил кириб келаётган ёш ва истеъдодли қўшиқчи Авазбек Олимовдир.

«Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари республикамиз мактаб ўқувчилари орасида тобора оммавийлашиб бораётган даврлар эди. Навбатдаги учрашув видеога ёзиб олинди, у одатдагидек якшанба кўни кундузи эфирга чиқиши, мен эса ўйинни кадр ортидан шарҳлаб боришим керак эди. Бир кун аввал Бухорода футбол учрашувига ҳакамлик қилишим лозим бўлиб қолди. Ўйиндан сўнг Тошкентга самолёт учмайди. Эрталабки рейс билан учадиган самолёт эса «Қувноқ стартлар» эфирга чиқишига 40 минут қолганда Тошкентга етиб келиши керак.

Вазиятдан қўтулиш мақсадида ўша даврларда шайбали хоккей бўйича Тошкентнинг «Бинокор» командаси бошлиги бўлиб ишлаётган дўстим Омон Мусаевдан ёрдам сўрадим. У самолёт қўниши билан машинада мени телевидение биносига етказиб қўйишга ваъда берди.

Бухородан самолёт 10 минут кечикиб ҳавога кўтарилди, демак менинг ихтиёримда 30 минут вақт қолди. Бу вақтда бемалол улгурса бўлади.

АН-24 самолёти Тошкент аэропортига яқинлашиб қолганда негадир диспетчер қўнишга рухсат бермади. Ана холос, энди нима қиламан, самолётнинг шаҳар атрофини бир марта айланиб чиқиши учун қанча вақт сарфланишини ҳаво лайнерида учган йўловчилар яхши билишади. Худди игна устида ўтиргандай ичим сиқила бошлади.

Иккинчи марта аэропортга яқинлашамиз, бу сафар ҳам диспетчер қўнишга рухсат бермади. Тамом, дейман ўзимча. Назаримда вақт жуда секин ўтаётганга ўхшарди, ниҳоят учинчи уринишдан сўнг қўнишга рухсат берилди. Самолёт гилдираклари бетон юзига теккан ҳамон соатга қарайман, соат миллари «Қувноқ стартлар» кўрсатуви эфирга чиқадиган вақтни кўрсатиб турарди. Самолёт аэропорт биноси ёнига етиб бориши, парракларнинг айланиши тўхташини, экипаж аъзоларининг чиқиш, йўловчиларга лайнердан чиқиш учун рухсат берилиши, автобусга чиқиб юк олувчиларни кутиш... — хуллас иш расво бўлди. Энди телевидениега боришим учун ҳожат йўқ эди.

Уйга кела солиб телевизорни қўйдим. Мусобақанинг сўнгги минутлари ўтиб бораётган экан. Болаларнинг қий-чуви, тамошабинларнинг хайқириви, ҳакамларнинг эълонлари баралла эшитилиб турар, учрашувни эса ҳеч ким шарҳламас эди. Эртасига билсам ҳамкасб дўстларим маъмурият рухсати билан «Қувноқ стартлар» мусобақасидан кейин кўрсатилиши лозим бўлган ўн минутлик видеофилмни олдинга ўтказишган, демак ўн минутлик вақт ютилган, лекин шарҳловчидан дарак бўлмагач, ноилож кўрсатувни шарҳсиз бериб юборишган экан.

Республика телевизион «Қувноқ стартлар» мусобақалари нафақат мактаб ўқувчилари, балки кўпчиликнинг энг севган ўйинларидан бирига айланган йиллар эди. Ўзбекистон ойнаи жаҳони дастурида ҳар якшанба куни соат 12 да айнан шундай мусобақалар кўрсатиларди. Учрашувларнинг юқори савияда ўтиши, унинг дастури доимо янгиланиб туриши, сценарий ёзишга кўплаб мутахассислар жалб этилиши, жойларда унинг тобора оммавийлашиб бориши «Қувноқ стартлар» ўйинлари обрусини ошириб юборди. Энди республикамизнинг шу соҳадаги илғор мактаблари бошқа мамлакатлар командалари билан ҳам қизиқарли учрашувлар ўтказа бошладилар.

Ана шундай учрашувлардан бири Тошкентдаги

ИИБ. 316506

«Ёшлик» спорт аренасида ўтказилиб, унда Ўзбекистон ва Тожикистон мактаблари ўқувчилари ўзаро баҳс юритадиган бўлишди. Учрашувга бора туриб фарзандларим Олияхон ва Зафарни ҳам у ерга таклиф этдим. Чунки мусобақадан сўнг Тошкент туманида яшайдиган қариндошларимиз хонадонига меҳмонга боришни режалаштириб қўйган эдик.

Мусобақанинг тантанали очилишидан олдин мен Тожикистон телевидениеси муҳбири Санобар Каримова билан суҳбатлашиб, ундан учрашув бошланишида айтилиши лозим бўлган табрик сўзларининг тожик тилида талаффуз этилишини ўрганиб олдим.

Арена ўртасидаги микрофон ёнига яқинлашиб истеъдодли режиссеримиз Раҳматжон Содиқовнинг имосини кутдим, рухсат берилгач сўзлашга киришдим:

Ассалому алайкум, азиз ўқувчилар!

Биродари тожик! Ба диёри меҳмоннавози ўзбек, куш омадед!

Икки тилда табриклар, капитанлар рапорти, шеърлар ўқишдан сўнг анъанага кўра қатнашчилар бир-бирларига эсдалик совгалари топширишди, расмга тушишди, учрашув дастуридаги ўйинлар бошланди...

Мусобақа қандай тантанавор бошланган бўлса, ана шундай байрамон тарзда якунланди, барчанинг кайфияти кўтаринки руҳда эди. Спорт аренасидан чиққач, автобусда кетаётганимизда кенжа ўғлимизнинг опасига қараб «Гапиринг, гапиринг» деяётганини сезиб қолдим. «Нима гап, тинчликми?» деб сўрасам Олияхон хахолаб кулди-да бўлган воқеани сўзлаб берди: Мусобақаларга тайёргарлик кетаётган бир вақтда тамошабинлар орасида, фарзандларимиздан бир қатор тепада катта ёшдаги икки спорт мухлиси ўзаро суҳбатлашиб ўтиришади. Суҳбат чоғида улардан бири иккинчисига дейди: «Мана бу ўртада юрган Ахбор Имомхужаевни икки хотини бор, биласизми?» Бу гапни шубҳасиз фарзандларим ҳам эшитишади.

Курсатув ёзилишидан олдин берилган танаффусдан фойдаланиб ширин нон ва олма шарбати олиб фарзандларимизга етказиб бердим, бояги кишилар билан — гарчанд уларни танимасам ҳам — сўрашиб қўйдим. Мусобақа бошланишида икки тилда табрик сўзлари айтганимда суҳбатдошлардан бири энгашиб қизимизга савол билан мурожаат қилади: «Кечирасиз қизим, дадангиз тожик тилини қаердан биладилар» Шунда Олияхон кулиб туриб: «Ҳозиргина ўзингиз у

кишини икки хотини борлигини айтдингиз, улардан бири ўзбек, иккинчиси эса тожиклигини билмайсизми?» — дейди. Ўртада кулги кўтарилади. Шунда суҳбатдошлардан иккинчиси шеригига қараб, «Мана Сизга ўйламасдан сўзлаш оқибати», дейди.

Ҳар йили феврал ойи охирлари ҳамда март ойи бошларида мамлакат чемпионатининг олий ва биринчи лигаларида хизмат қилувчи ҳакамларнинг ўқув-тайёргарлик машгулотлари ўтказиларди. Сочи шаҳридаги «Кавказ» меҳмонхонаси бизнинг қароргоҳимиз бўларди. Назарий ва амалий машгулотларда иштирок этишдан ташқари кўплаб командаларнинг Қора денгиз соҳилларидаги шаҳарларга келишидан фойдаланиб Сочи, Хоста, Леселидзе, Мацеста каби шаҳарларда ўтказиладиган учрашувларни бошқарардик.

Бир йили машгулотлар бошлиги Валентин Липатов (у 1979 йили марҳум пахтакорчиларнинг сўнгги учрашувлари — 8 август «Пахтакор» — «Заря» ўйинига ҳакамлик қилган) ФИФАдан келган янги қонун-қоидаларни барча ҳакамларга ўқиб берди. Унда қўйидаги сатрлар бор экан: «Ҳакамлар ўйин бошланишидан олдин командалар вакилларидан турли хил совғалар, сувенирлар олишлари мумкин эмас». Липатов савол беради «Ҳаммага тушунарлими?» Шу дақиқада Ашхободдан келган ҳамкасбимиз Овез Кочумов кўл кўтарди ва қўйидаги саволни берди. «Валентин Григорьевич, ўйиндан олдин мумкин бўлмаса, танаффус вақтида олиш мумкинми?» Ўртада кулгу кўтарилади, шунда Липатов «Ўша ўйин ҳакамлик ҳаётингдаги сўнгги ўйин бўлади» — деди.

Иван Лукянов навбатдаги машгулотлар якунланишига бир кун қолганда ҳаммамиздан амалий машгулотлар бўйича имтиҳон оладиган бўлди. Машгулотларнинг энг машаққатлиси уч километрга югуриш эди. Аксига олиб эрта тонгдан бошлаб ёмғир ёға бошлади, — имтиҳонни эса бошқа кунга қолдириб бўлмайди. Гарчад стадионнинг югуриш йўлчалари сув билан тулиб тошган бўлса ҳам, биз қисқа масофаларга югуришнинг барча талабларини бажардик. Уч километрга югуришни бошлаб 2—3 давра утганимиздан сўнг оёқларимиз томирлари тортиша бошлади, тишни тишга қўйиб югуришда давом этдик. Шу вақт ҳамшаҳримиз Эдуард Бакунович оёқлари қаттиқ огриёт-

ганлигидан шикоят қилиб қолди, баъзи ҳакамларнинг маслаҳати билан стадион четдаги табло ортига ўтиб бекинди. Яна 2—3 давра югурганимизда у бироз нафасини ростлаб олиб, ҳеч нарса бўлмагандай бизга қўшилиб олди. Натижаларни эълон қилиш бошланди, унинг сўнггида эса Лукянов икки ҳакам югурмаганлигини, бугун кечқурун уларга охириги имконият берилишини ва улар билан Бакунович ҳам югуриши кераклигини тайинлайди. Биз Бакунович югурганлигини айтсак, унга жавобан Лукянов «Табло орқасида туриб норматив топшириб бўлмайди» — деди. У барча ҳолатни сезгирлик билан кузатиб турган экан.

Амалий машгулотлардан имтиҳонни Сергей Алимов оладиган бўлди. Тингловчилар унинг ҳузурига биттадан кириб билет олишади (ҳар бир билетта бештадан савол ёзилган), шу ернинг ўзида футбол майдонининг магнитли макети ҳам бор. Навбат менга келганда кириб билетни олдим, дастлабки икки саволга батафсил жавоб бердим. Учинчи саволни ўқишим билан у мени тўхтатди: «Менга қара Имомхўжаев, Сен ўзбекмисан?» «Ҳа» деб жавоб бердим. «Ундай бўлса учинчи саволга ўзбек тилида жавоб бер». Мен ҳайрон бўлиб ўқитувчига қарадим у бўлса пинагини бузмай юқоридаги сўзларни такрорлади. Мен ўзбек тилида сўзладим, у диққат билан тинглади, тўртинчи саволга рус тилида, бешинчисига эса яна ўзбек тилида жавоб бердим. Жавобларим маъқул бўлди шекилли, у менга «аъло» баҳо қўйди. Эртасига эрталаб денгиз бўйида югураётим ундан сўрадим: «Сергей Андреевич, Сиз ўзбек тилини биласизми?» У бўлса «йўқ» деб жавоб берди. «Унда нега кеча мендан ўзбек тилида жавоб беришимни талаб қилдингиз?» Алимов кулди: «Биласанми, одатим шунақа, рус бўлмаган ўртоқлардан баъзи саволларга ўз она тилларида жавоб беришларини сўрайман. Улар саволни яхши билишмаса ўз тилларида ҳам дудуқланиб қоладилар. Сен бўлсанг бир текис ва равон қилиб гапирдинг». Унга мен ҳакамликдан ташқари спорт шарҳловчиси ҳам эканлигини айтмай қўяқолдим.

Тошкентлик футбол ҳакамларидан Б.Белозеров, С. Эшмухамедов ва мен навбатдаги учрашувни ўтказиш учун Тожикистон пойтахтига борадиган бўлдик. Аэропортда бизни кутиб олувчилар орасида республика

футбол федерациясининг раиси, чегарачилар ҳаёти ҳақида кўлаб китоблар ёзган истеъдодли ёзувчи М. Левин ҳам бор эди. У Белозеровнинг яқин дўсти экан. Тамадди қилиб бўлгач, ёзувчи бизни уйига таклиф этди. Душанбе марказидаги шинамгина бинонинг учинчи қаватига кўтариламиз.

Икки хонали оддий уй, бу ерда Левин рафиқаси билан яшар, ўғил-қизлари оилали бўлиб чиқиб кетишган экан. Хона шипигича тегиб турадиган жавонлар китоблар билан тўла, атрофда жаҳондаги энг буюк шоир ва ёзувчиларнинг портретлари осиб турибди, столлар устида чегарачилар совга қилган турлитуман мукофотлар, қўшни хона деворлари эса чегарачи итларнинг расмлари билан безатилган.

Суҳбатимиз асосан адабиёт ва санъат, чегарачилар ҳаёти ва шубҳасиз футбол ҳақида борди. Шунда уй эгаси Белозеровга мурожаат қилиб қолди:

— Борис, сен билан дўст бўлганимизга анча йиллар бўлди, тўғрими?

У саволига ижобий жавоб олгач, гапида давом этди:

— Ундай бўлса айтчи, бугунги ўйинда ҳисоб 5:0 бўладими, йўқми?

— У нима деганинг, мен сенга ҳеч қандай кафолат беролмайман. Футбол — бу ўйин. Яхши ўйнасаларинг бўлади.

— Мен бир олдиндан ўтиб қўяй дегандим, бўлмаса ўзингдан кўр.

У шундай деди-ю, балконга чиқиб кетди, балкон эшиги очиқ қолди. Бирдан у ердан катталиги кичикроқ бир эшшақдай келадиган ит чиқиб келса бўладими? Учаламиз турган еримизда қотиб қолдик, тилимиз калимага келмайди, менимча нафас олишимиз ҳам тўхтаб қолгандай бўлди. Бу вақтда Борис креслода ўтириб янги китобларни кўздан кечирар, Салим китоб жавонидан журнал олиб уни варақлар, мен эса диванда оилавий албом расмларини тамоша қилардим. Ит эса қанчалик ваҳимали бўлмасин, ниҳоятда озода ва чиройли эди. У аста-секин юриб навбат-навбати билан ҳар биримизнинг ёнимизга келиб оёғимиздан бошимизгача ҳидлаб чиқди. Биз эса қотиб турганимиздан ташқари бир-биримиз билан сўзлашишга ҳам қўрқардик. Ит ҳидлашини яқунлагач гилам ўртасига бориб ўтириб бизни яна кузата бошлади.

Жилмайиб кириб келган Левин бўлса, бизларга кўзини қисиб қўйиб дустига ўтирибди: «Борис, демак келишдикми, бугун 5:0 бўладими?» деди. Ранглари оқариб кетган Белозеров бўлса «Ҳазил ҳам шундай даҳшатли бўладими? Бу аҳволда бизнинг эсимизни чиқариб юборасан-ку! Энди таклиф қилсанг уйингга келмайман» деди.

Ўзувчи бу бир ҳазил эканлигини, чегарадан янги келтирилган ит билан бизни таништириш нияти пайдо бўлганлигини сўзлаб берди. Ниҳоятда ақлли бу ит чегарада 16 марта уни бузмоқчи бўлганларни ушлаган, у нафақа ёшига етгандан сўнг чегарачилар томонидан ўзувчига совга қилинган экан.

Хонадон соҳибининг гапига қараганда ҳар куни эрталаб соат бешда уй эгаларини ит уйготар экан, бордию улар уйғонмай қолишса аста-секинлик билан кўрпани тишлаб уни пастга тортар экан. Ўзувчи бу ажойиб ва меҳрибон ит ҳақида фахр билан сўзлаган сайин бизнинг ҳам ана шу жониворга бўлган меҳримиз ортиб борарди.

Левин суҳбат давомида чегарачи итлар ҳақида ёзган янги китобидан олиб ҳар биримизга дастхат билан совга қилди. У суҳбати давомида итнинг бир камчилигини ҳам айтиб ўтди. Унинг гапига қараганда ит уйга кирган кишиларни ташқарига чиқармас экан. Бу сўзларнинг қанчалик тўғри эканлигига хонадан чиқаётганимизда ишондик. Левин уни бўйнидан маҳкам қучиб ушлаб турди, биз эса қўрқа-писа хонадан чиқдик. У тишларини гижирлатиб бизга ташланмоқчи бўлиб турарди.

Кўчага чиқиб олгандан кейингина енгил нафас олдик. Кечқурун стадионда ўтказилган «Помир» — «Нистру» учрашуви эса 0:1 ҳисобида якунланди.

Бир куни мени Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг муовини Телман Холдоров ўз ҳузурига чақирди. У икки кундан сўнг мамлакат чемпионатида иштирок этувчи Хоразм вилоятининг «Наримоновчи» ҳамда «Хива» командалари ўртасида муҳим учрашув бўлиши ва ана шу бўлажак уйин атрофида турли хил олди-қочди гаплар бўлаётганлиги (нима бўлса ҳам голиб чиқиш, ҳакамларни йўлдан уриш, галаба учун ҳеч нарсадан қайтмаслик ва ҳ.к.) ҳақида сўзлаб берди. У шу бугуноқ Урганчга учиб

кетишимни, бу ҳақда иккала команда вакиллари зинҳор хабардор бўлмаслигини, ёрдамчи ҳакамларни ҳам ҳеч ким сезмаслигини, биз ўйин бошланишига бир соат қолгандагина стадионда тўсатдан пайдо бўлишимиз кераклигини тайинлади.

Хонадан чиқиб спорт қўмитасининг футбол бўлимидан Урганчга ҳакам дўстларим Валерий Макагонов ва Булат Галеевларга сим қоқдим. Бугун учиб боришим ва бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги ҳақида келишиб олдик. Кечқурун уларнинг иккаласи мени аэропортда кутиб олишди, у ердан Валерийнинг уйига жўнадик.

Эртасига иккала команда вакиллари бир-бирларидан бекинган ҳолда аэропорт, вокзал, автобекатларда туриб учрашувни ўтказиш учун келадиган ҳакамларни кутишарди, ҳар эҳтимолга қарши барча меҳмонхоналар билан телефон қилиниб туриларди. Ҳакамлардан эса дарак йўқ, Тошкент билан телефон орқали боғландилар, у ердан эса ҳавотир олманглар ҳакамлар бўлади қабилада жавоб оладилар. Кутиш масаласи ўйин куни ҳам давом этади, лекин у ҳеч қандай натижа бермайди.

Келишиб олинганидек, ўйиндан олдин — унга бир соат қолганида Богот туманидаги Наримонов номли жамоа хўжалиги стадионига кириб бордик. Ҳеч ким билан учрашмасдан, тезда майдонни текшириб чиқдик, қайдномани тўлдирдик, чигал ёзди машқларини бажардик.

Футбол ишқибозлари билан тўлиб тошган стадионда (унга вилоятнинг деярли барча туманларидан мухлислар етиб келишганди) икки қўшни командалар баҳслашуви бошланди. Учрашувни бошидан охиригача ҳужумкорлик руҳида ўтказган «Хива» командаси аъзолари майдон эгалари дарвозасига учта жавобсиз тўп киритишди. Ўйин якунланган ҳамон машинага ўтириб Булатнинг уйига жўнадик, у ерда дам олиб бўлгач, шерикларим мени аэропортгача кузатиб қўйишди.

Тошкентга келгач Телман акага учрашиб сафар ҳақида батафсил маълумот бердим.

Душанбенинг «Помир» командаси етмишинчи йиллардаёқ биринчи лиганинг энг кучли командаларидан бирига айланган ва олий лига жамоалари қаторига қўшилиш учун барча имкониятларга эга эди. Лекин

ҳар сафар марказдан берилган яширинча курсатмаларнинг қурбони бўларди (бу соҳада «Помир» ва Фаргонанинг «Нефтяник» командалари тақдири бир-бирига жуда ўхшаб кетади).

1974 йилда икки олий лигага даъвогар командалар «Помир» ва Ростов-Доннинг Армия спорт клуби Душанбеда учрашишди. Ҳаққини Харков шаҳридан келган ҳакам А. Василев боқарди, унга ёрдам берганлар орасида мен ҳам бор эдим. Бош ҳакамнинг хатти-ҳаракатидан унинг меҳмонларга хайрихоҳлигини англаш қийин эмасди, ҳаттоки «Помир» командаси раҳбарларининг учрашув танаффуси вақтидаги норозиликлари ҳам ҳеч қандай натижа бермади.

Аввал А. Василев майдон эгалари дарвозасига «ўйиндан ташқари ҳолат»дан киритилган тўпни ҳисоблади, учрашув сўнггида эса ҳисоб 2:3 бўлиб турганида мен турган томондан ҳужумга ташланган «Помир» футболчилари чиройли комбинация уюштириб ҳисобни тенглаштиришга эришадилар. Гарчанд мен байроқчани кўтариб сигнал бермаган бўлсам ҳам (чунки тўп ҳеч қандай қоида бузилмасдан киритилган эди) бош ҳакам голни ҳисобламади, унинг фикрича гуё «ўйиндан ташқари ҳолат» бўлган эмиш.

Стадионда тўпалон бошланди, ўйинни зўрга яқунлаб олдиқ. Майдондан чиқиб кетаётган дақиқаларда А. Василев менга қараб «Бояги вазиятда «ўйиндан ташқари ҳолат» бўлган деб айтасан» деди. Мен бўлсам унга емаган сомсага пул тўланмаслигини айтдим.

Ҳакамлар хонасига кириб келганимизда бизни федерация ходимлари «Помир» командаси раҳбарлари, ўйинни кузатувчи комиссия аъзолари кутиб туришарди. Уларни асосан бир савол қизиқтирарди, яъни меҳмонлар дарвозасига сўнгги минутларда киритилган тўп тўғри эдимиз ёки йўқми. Тожикистонлик дўстларимиз ушбу саволга фақат мен жавоб беришим кераклигини айтишди. Мен эса тўп футбол қонун-қоидасига кўра тўғри киритилганини, бош ҳакам ўзбошимчалик билан, менинг фикримни ҳисобга олмаган ҳолда, ушбу тўпни дарвозага киритилмаган деб ҳисоблаганлигини айтиб бердим. Шу ернинг ўзида Москвага норозилик телеграммаси жўнатилди, комиссия аъзолари бош ҳакам хатти-ҳаракатига «2» баҳо қўйишди. «Помир» командаси маъмури стадион атрофида кетмай турган мухлислардан чўчиди шекилли А. Василевни милиция машинасида аэропо-

ртга кузатиб қўйди. Бу уйин А. Василев учун чемпионатдаги сўнгиси бўлди.

Шаҳрисабзнинг «Ҳисор» командаси республика-миз футболда узининг салмоқли урнига эга. Истеъодли мураббийлар Александр Шчелочков ҳамда Владимир Губанов раҳбарлигидаги бу аҳил жамоа айниқса 1979 йилда муваффақиятли уйин курсатиб чарм тўп ишқибозлари ишончини қозонишди. Уша вақтда команда асосини ташкил этувчи Георгий Гаркуша, Сергей Зеленский, ака-ука Рифат ва Ришад Аблитаровлар, Баҳодир Маткаримов, Николай Таранов, Бобир Ҳайдаров, Дмитрий Шчелочков, Олим Носиров, Владимир Криганов ва бошқа футболчилар аввал Бутуниттифоқ қишлоқ командалари ўртасида ўтказиладиган «Олтин бошоқ» соврини турнирида голиб чиқишди, финал учрашувларда Россия Федерацияси, Украина, Озорбайжон, Арманистон, Молдова командаларини ортда қолдирган «Ҳисор» бош соврин эгаси бўлди.

Кейинчалик Шаҳрисабз футболчилари Ўзбекистон Кубоги учун мусобақаларни ҳужумкорлик руҳида ўтказиб, унинг финал уйинига йўлланма олишди. Финал учрашувда эса Тошкентнинг кучли командаларидан бири бўлмиш «Трактор» жамоаси футболчиларини 7:1 ҳисобида енгишди.

Маълумки, республикалар кубогини қўлга кириштишга сазовор бўлган командалар кейинчалик собиқ советлар мамлакатининг «Миллионлар кубоги» мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлардилар. Ана шундай учрашувлардан бири Уралдаги Усоле-Сибирск шаҳрида бўлиб ўтди. Россия кубогига эга бўлган команда ўз майдонида «Ҳисор» футболчиларини қабул қилди.

Уша учрашувда футбол мухлисларида камдан-кам учрайдиган воқеа содир бўлганди. Гап шундаки, учрашув охирларига яқинлашиб қолган, унда 2:1 ҳисобида олдинда бораётган футболчиларимиз қандай бўлмасин ушбу ҳисобни ушлаб қолишга ҳаракат қилишар, майдон эгалари эса жон-жаҳдлари билан ҳужумга ташланишарди. Вазият ана шундай қалтис булиб турган дақиқаларда, учрашув ҳаками билан «Ҳисор» сардори Николай Таранов ўртасида кетма-кет 2—3 марта бир-бирига нисбатан бақирришлар бошланади, Шчелочков ва Губанов ҳакам бундай вазиятда уйинчини майдондан ҳайдаб юбориши мумкинлигини англаб,

тезда уни бошқа футболчи билан алмаштиришга ҳаракат қилдилар, лекин... бунга улгуролмадилар.

Шу дақиқада ҳакамнинг ҳуштаги қулоқни тешиб юборгудай қаттиқ чалинди ва ҳакам Таранов ёнига югуриб келди, унинг бир қули чўнтагидаги қизил карточкани олиб улгурган эди. Уларнинг иккаласи бир-бирларига шундай яқин келадиларки, бундай вазиятда тўқнашиб кетиш ҳам ҳеч гап эмасди. Ораларида ҳеч ким эшитмайдиган «суҳбат» бўлиб ўтди. Шундан сўнг сардор майдондан четлатилмай, учрашувни давом эттирди. «Ҳисор» 2:1 ҳисобида галаба қозонди. Командамиз раҳбарлари барча ўйинчиларни зафар билан табриклаб бўлишгач, Тарановдан ҳакам билан ўрталарида қандай гап ўтганлигини билишга қизиқишди. Воқеа эса қуйидагича бўлган экан: Ҳакамнинг бўлар-бўлмас воқеаларга ҳуштак чалабериб майдон эгаларига ёрдам бермоқчи бўлганлигини англаб қолган сардор у билан айтишиб қолади. Айтишувлардан тоқати тоқ бўлган ҳакам «Ҳисор» сардори ёнига югуриб келади ва иккаласи ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади:

— Огайни, энди ўзингдан кўр, сенга қизил карточка кўрсатмасам ҳаддингдан ошадиганга ўхшайсан.

— Аввало сизни огоҳлантириб қўяман, сиз мени майдондан ҳайдай олмайсиз.

— Нима учун ҳайдай олмас эканман?

— Чунки ўйиндан олдин ичиб олгансиз. Мастсиз.

— Сен қаёқдан биласан...

— Кўр эмасман, кўриб турибман, энди федерацияга хабар бераман.

— Бўпти, бўлмаса ҳеч кимга айтмайсан, ўйнайбер!

Шу йили «Ҳисор» ўша мусобақанинг ярим финалигача етиб борди, ярим финал учрашуви Каменск-Шахтинск шаҳрида ўтказилиб унда омад майдон эгалари томонида бўлди.

Барча спорт турларида бўлгани каби футболда ҳам уни бошқара олиш гоятда мушкул ва шу билан бирга кишидан аъло даражадаги психологик, педагогик ҳамда жисмоний тайёргарликни талаб этади.

Баъзи спорт турларида ҳакамлар ўз соҳаларидаги ишни қандай ҳолатда бажаришларига бир назар ташлаб кўрайлик. Огир атлетика, волейбол, муз устида фигурали учишда ҳакамлар вазифаларини ўтирган

жойларида бажарадилар, буларга яна енгил атлетика, сузиш мусобақаларидаги ҳакамларни ҳам қўшиш мумкин. Шахмат ва шашкада, бокс ва сув полосида ҳакамлар ўз вазифаларини асосан юриб туриб адо этишади. Футбол, хоккей, баскетбол каби спорт турларининг ҳакамлари эса учрашувни бошқаришни ўйинчилар билан югурган ҳолда бажаришади. Майдоннинг катталиги ва ўйин суръатининг тезлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, албатта энг қийин ва мураккаби футболдир.

Ҳакамлик соҳасидаги устозларимиз бизга доимо ўйинни шундай яхши олиб борингки, унинг якунидан сўнг иккала команданинг устозлари кўзига тик қарай олгин дер эдилар. Агар борди-ю ўйинни расво қилсанг сен ўзингнинг битта хатоинг билан ўша тренернинг бир йиллик меҳнатини йўққа чиқарган бўласан.

Менга ҳакамликда спорт шарҳловчилигим ва жисмоний тарбия институтида футбол соҳаси бўйича дарс беришим катта ёрдам берарди. Шу сабабли бўлса керак, деярли барча тренерлар ва ўйинчилар менга озми-кўпми таниш эдилар. Бу эса ўз навбатида барча учрашувларни бошқаришда қўл келарди. Масалан, бирон футболчи қويدани бузадиган бўлса, имкони борича ўйинни тўхтатмаган ҳолда унинг ёнидан югуриб ўтиб бораётиб «Дўстим қويدани бузганингизни кўрдим, яна шунга такрорлайдиган бўлсангиз майдонни тарк этишингизга тўғри келади» — дейман, у бўлса шоша-пиша «Ўртоқ ҳакам мен тушундим, энди қويدани бузмайман!» — деб ваъда беради. Ҳакамлик фаолиятимда бундай ўзига хос профилактик ҳодисалар кўп марталаб учраган.

Юқорида баён этилган вазиятларга баҳо беришда баъзи ҳамкасбларимиз ошириб юборишади, қоида бузилса, худди биров бировни бўғиб қўйганидек бор кучлари билан ҳуштак чалиб (ахир ҳакам миршаб эмас-ку!) ўйинни тўхтатадилар, ўша ўйинчи ёнига югуриб бориб, юзлари бир-бирига тегиб кетадиган даражада яқин туриб олиб ўша «жиноятчи»га танбеҳ берадилар, сариқ ёки қизил карточка билан қўрқитмоқчи бўладилар, энг ёмони шундаки, улар бундай ҳолатларда ўзларини педагог эканликларини унутиб қўйиб, аста-секин диктаторга айланиб қоладилар. Майдонда қанча кўп ҳуштак чалинса, ўйин шунча ёмон ўтади.

Етказганга шукрлар бўлсинким, ҳакамлик қилган даврларимда қаторасига ун йил Ўзбекистоннинг энг яхши ун ҳакамлари рўйхатидан урин олганман. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларига назоратчи ҳакам бўлиб борганимда баъзи футбол мухлислари мени спорт шарҳловчиси вазифасида ташриф буюрди деб уйлашади. Ваҳоланки, мен у ерга футбол федерацияси ҳамда назоратчи-ҳакамлар кўмитасининг вакили сифатида бораман.

Собиқ советлар мамлакатаида Москва бошқа соҳаларида бўлгани каби футболда ҳам ўз гегемонлигини ўтказиб келган, фақатгина унга маъқул бўлган кишиларгина ҳакамлик пиллапояси бўйлаб юқорига кўтарилган холос. Агар энг эътиборли ҳисобланган халқаро тоифадаги ҳакам унвони ўша даврда 30 кишига берилган бўлса, ундан деярли ярми, аниқроғи 14 киши Москваликдир. Наҳотки бошқа шаҳарлардан истиқомат қилувчилар ҳакамлик соҳасида шунчалик уқувсиз бўлса?! Марказий Осиё республикалари, Арманистон, Эстония, Молдова ҳакамлари қаерда қолди?

Юқорида таъкидлаганимдек, ҳар йили эрта баҳорда Қора денгиз соҳилидаги курорт шаҳарларда ҳакамларнинг Бутуниттифоқ йигинлари ўтказилиб, купинчалик уларга москвалик мутахассислар (С. Алимов, С. Архипов, В. Жарков, П. Казаков, В. Липатов, И. Лукянов, Р. Руднев ва бошқалар) раҳбарлик қилишарди. Ўзбекистондан ана шу йигинларга таклиф этилган кишилар қанчалик ҳаракат қилишмасин, яхши ва аъло баҳолар олишмасин, иш ҳакамликка бориб тақалганида аввалдан рўйхатга тушган «маълум» ҳакамларгина мусобақаларга чақиртириларди.

У ҳам етмаганидек, «Пахтакор» Марказий стадионидаги бўлаётган учрашувларни кузатиш учун келган назоратчи ҳакамлар орасида футболга бутунлай алоқаси бўлмаган партия XXIV съезди қатнашчиси ёки Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳам учраб турарди. Ҳакамларнинг тақдири мана шундай футбол «билимдонлари» қўлида буларди. Уларнинг фикри-зикри кўпроқ футболда эмас, балки ўша даврларда дала-боғларимизда пишиб етилган меваларда буларди.

Кавказ шаҳарларидаги ҳакамлар билан иш олиб бориш борасида Москва хато йўл тутганлигини кейинроқ сезиб қолди. Грузиядан аввал К. Круашвили ва Г. Беканидзе олий лига ўйинларини бошқаришди, кейинчалик уларнинг кўмагида (бунга қойил қо-

лиш керак) И. Бочаридзе, Г. Гоанцеладзе, Г. Сепиашвили, В. Миминошвили, М. Кобиашвили каби бир гуруҳ ёш ҳакамлар етишиб чиқдики, улар ҳам тез орада олий лига командалари ўйинларига жалб қилина бошлади.

Худди шунга ўхшаган вазият Озарбайжонда ҳам бўлди. Дастлаб Т. Баҳромов футбол олимпига кўтарилди, кейин унинг шогирдлари Э. Азимзода, Т. Велиев, Р. Рагимов, А. Балаян каби ҳакамлар ҳам Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам унвонига сазовор бўлдилар.

Марказ мана шундай нуқсонларни энди Ўзбекистонда қилолмасди, чунки биронта қоракўз ҳамюртимиз собиқ мамлакатга таниладиган бўлса, у ҳам шерикларига ёрдам бериши мумкин эди. Москва ана шундан қўрқарди, шу тариқа ўзбек ҳакамларига ишончсизлик билдирилди. Бунинг устига марказнинг шундай йўл тутишини маъқулловчи «ҳамшаҳарлар» ҳам пайдо бўлиб, уларнинг Москвага телефон қилиб туришлари ва хат ёзишиб туришлари оқибатида ўзбек ҳакамлари панада қолиб кетавердилар. И. Тошмуҳамедов, О. Мусаев, А. Тошпўлатов, Ю. Бурнашев, А. Аҳмедов, Ф. Султонов, З. Паратов каби ўнлаб йигитлар ҳар қандай учрашувларга раҳбарлик қила олиш қобилиятига эга эдилар. Улар аллақачон собиқ мамлакатнинг ман-ман деган ҳакамларини ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарлик жиҳатидан ортда қолдириб кетган эдилар. Лекин афсуски улар тепадаги қора булутларни тешиб ўтолмасдилар.

Эҳтимол, бунга ўзимиз ҳам айбдор бўлгандирмиз, қуйидаги икки мисол гапимга исбот бўлади деб ўйлайман:

Мавсумнинг олий лигадаги сўнгги учрашувларидан бири Куйбишев шаҳрида ўтказилиб, унда «Криля Советов» командаси Москва динамочиларини қабул қилиши керак эди. Ушбу учрашувни бошқариб бориши лозим бўлган ҳакам об-ҳаво самолёт учишига ноқулай бўлганлиги учун Куйбишевга етиб келолмади. Унинг ўрнини ёрдамчи ҳакам тошкентлик Борис Белозеров эгаллайдиган бўлди. Вазият эса гоётда мураккаб эди. Агар динамочилар голиб чиқишса улар чемпионат медалига сазовор бўлишарди, лекин «Криля Советов» командаси олий лигани тарк этган бўларди. Борди-ю майдон эгалари голиб чиқишса, улар олий лигада қолишарди, «Динамо» эса медалдан маҳрум

буларди. Дуранг натижа иккала команда вакиллари ҳам қаноатлангирмас эди. Учрашув ҳаками ўйин бошланиши биланоқ майдон эгаларига ёрдам беришга киришди. У бир томон қоидани бузса ҳуштак чалади, иккинчи томоннинг айнан шундай ҳолатини «кўрмай» қолади. Бир томонга «ўйиндан ташқари ҳолат» бўлмаса ҳам учрашув тўхтатилади, иккинчи томон учун бундай қоида йўқ. Майдонда ўйинчиларнинг бебошлиги бошланди, карточкалар аямай кўрсатилди. Лекин барибир мақсадга эришилди, «Криля Советов» ҳакамнинг бевосита кўмагида олий лигадаги ўз ўрнини сақлаб қолди. «Динамо» ўйинчилари эса чемпионат медалларидан маҳрум бўлишди.

Ушбу ўйин муҳокамасига бағишланган федерация йигилишида унинг ҳаками Борис Белозеров барча ўйинлардан четлатилди, учрашув натижасини эса ўзгартириб бўлмасди.

Бир йил Озарбайжоннинг Сумгаит шаҳридан Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам Борис Қосимов Тошкентга кўчиб келди. У тезда ишга киришиб кетди. Биз ўша даврларда бир ойда ўрта ҳисобда икки ўйинга ҳакамлик қилсак у шунчалик кўп ўйинга ҳакамлик қилардики, баъзи вақтларда Тошкентга қайтиб келгач, аэропортнинг ўзидан чипта олиб бошқа шаҳарга учиб кетарди. Собиқ иттифоқда профессионал ҳакамлар йўқ эди, демак, ҳар бир ҳакам бирон жойда меҳнат қилатуриб, бўш вақтларидагина ҳакамлик билан машғул буларди. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишса Борис Қосимов бир мавсумда саксондан(!) ортиқ ўйинга ҳакамлик қилган экан. Шундай ҳолда унинг ўз иш жойида қандай ишлашига ақл бовар қилмайди. Агар бизнинг шароитда ёз мавсуми саккиз ой давом этишини ҳисобга олсак, қаҳрамонимиз ҳар ойда ўнтдан ўйинга ҳакамлик қилишга улгурган.

Юқорида баён этилган салбий ҳолатлар изсиз кетмади албатта. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек бу икки шоввознинг ўзига хос иш тутиши оқибатида Ўзбекистон ҳакамларига бўлган ишончсизлик янада ортди.

Ҳакамлик соҳасида Москванинг удабуронлигига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Бутуниттифоқ йигини Сочида ўтаётган кунларнинг бирида барчамизни назарий машғулотлар ўтказиладиган хонага тўплашди. Оврўпо мамлакатларидаги темир йўл соҳасидаги командалар ўртасида қитъа Кубоги учун навбатдаги

уйин Хоста шахрида ўтказилиб, унда «Локомотив» Москва ҳамда «Локомотив» София командалари учрашиши лозим эди. Ўртага савол ташланди. «Ўша ўйинга ким ҳакамлик қилади?» 3 — 4 киши қўл кўтарди. Раҳбаримиз шунда: «Гап кимнинг ҳакамлик қилишида эмас, балки бу ўйинда Москва темирўлчилари албатта галаба қозонишлари хусусида бормоқда. Софияда майдон эгалари 3:0 ҳисобида галаба қозонишган, биз эса 4:0 ҳисобида ютиб чиқишимиз керак. Хўш ким ўртага тушади!» — деди. Свердловск шахридан келган ҳакам «Мен ҳакамлик қиламан; лекин бунинг учун ёрдамчиларни ўзим танлаб олишим керак» — деди. Унинг илтимоси қондирилди. Эртасига барчамиз Хоста шахрига бориб футбол спектаклини тамона қилдик. Меҳмонлар биринчи таймда майдон марказидан нариги томонга ўтолганлари йўқ, танаффусгача ҳисоб 4:0 эди. Очигини айтганда, меҳмонларга раҳмимиз келди, улар қанчалик куйиб-пишмасин, ҳаракат қилмасин, уринмасин барибир фойдаси йўқ эди. Битта ёрдамчи ҳакам худди роботга ўхшаб ҳадеб байроқчасини кўтарса, иккинчиси аксинча байроқча кўтаришни унутиб қўярди. Бора-бора меҳмонлар бу найрангни тушуниб етишди ва кураш бефойда эканлигини англаб ўйинни бамайлихотир юқорида баён этилган ҳисобда яқунланишини кутишди холос. Назоратчи ҳакам ҳам, текширувчи гуруҳ ҳам бундай «масъулиятли» ўйинни бошқарган кишилар меҳнати учун «аъло» баҳолар қўйишди.

Маълумки, 70-80 йилларда эрта баҳорда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти стадионларида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўйинлари ўтказилиб бу ўз навбатида ёшлар футболнинг катта байрамига айланиб кетарди. Бизнинг фикримизча В. Федоров, А. Хапсалис, О. Таран, А. Заваров, С. Родионов, чет элик ўсмирлардан Г. Ридичер, В. Сабо, И. Грош, Ф. Шуб, Л. Жилев ва бошқаларнинг катта футбол усталари бўлиб етишишларида ана шу халқаро Тошкент турнири салмоқли хисса қўшган бўлса ажаб эмас.

Турнир ўйинларидан бирини бошқариш каминага ҳам насиб этган. 1974 йилда Тошкент вилоятидаги Халқобод стадионида Финляндия — Швеция терма командалари учрашувини бошқарганман, ўша ўйинда менга С. Эшмуҳамедов ва Л. Бершадскийлар

ёрдам беришган, учрашув гоятда қизиқарли ўтиб унда ҳисоб очилмаган эди. Мусобақанинг сўнгги куни Финляндия — СССР-2 ёки Полша — Швеция уйинларини бошқаришим лозим эди. Учрашувлар якуланишига бир кун қолганида турнирнинг энг яхши уйинчилари ҳамда ҳаками номзодлари муҳокама қилиниши керак эди. Шунда Финляндия ва Швеция делегациялари раҳбарлари энг яхши ҳакам соврини учун менинг номзодимни кўрсатишди. Мусобақа ташкилотчилари бу кутилмаган таклифдан шошиб қолишди, ахир сценарий бўйича бошқа киши бу совринни олиши керак эди-да! Шундай қилиб сўнгги кунда хизмат қилиши лозим бўлган ҳакамлар рўйхатидан мен тушиб қолдим.

«Пахтакор» Марказий стадионидаги учрашувни шарҳлашни тугатганимдан сўнг эртага соат 11 да телевидениега келиб, унинг раҳбарларига учрашишим лозимлигини тайинлашди. (У даврларда мен телевидениеда штатсиз мухбир бўлиб хизмат қилардим).

Рухсат олиб хонага кирганимда, у ерда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио эшиттириш қўмитаси раисининг муовини Зокир Йўлдошев, «Ёшлик» таҳририяти бош муҳаррири Элбек Мусаев, спорт бўлими мухбири Шукрилло Қосимов ва яна икки киши (мен уларни танимадим) ўтиришарди.

Салом-алиқдан сўнг, Зокир Йўлдошев ўринларидан туриб, уч-тўрт қадам салобат билан юргач, мен томон юзланиб:

— Ука! Сиз ўзи футбол нималигини биласизми? — дедилар. Очигини айтсам бундай дагал саволдан кейин бироз эсанкираб қолдим. У киши эса сўзларида давом этдилар:

— Биласизми, менинг 80 ёшга кирган отам борлар, у киши футболни сиздан кўра яхшироқ тушундилар. Нима учун сиз гапираётган вақтингизда ёқа деган иборани ишлатасиз, наҳотки ёқа кўйлақда бўлишини билмасангиз!

У киши менга яқинроқ келиб йўл-йўл кўйлақларининг ёқасини ушлаб кўрсатдилар:

— Мана буни ёқа дейилади! Уқдингизми?!

Бу вақтга келиб мен анча ўзимга келиб қолган эдим.

— Зокир Йулдошев, мени кечирасизу лекин репортаж вақтида ёқа деган сўзни ишлатмаганман, ҳамма айтилган сўзлар ёдимда, ундай сўз айтганим йўқ.

— Буйнингизга олинг, айтгансиз!

— Йўқ! Айтганим йўқ, аниқ эсимда!

— Элбек! Курдингизми, шарҳловчингиз менга гап қайтаряпти!

Шунда Элбек ака вазминлик билан гап бошладилар.

— Зокир ака, мен Ахборни бир неча йиллардан бери яхши биламан. Хақиқий футбол фидойиси, футбол деса ўзини томдан ташлайди, айтмадим дедими, демак у айтмаган. Мен биламан, у ёлгон гапирмайди. Агар ишонмасангиз репортаж ёзиб олинган, уни биргаликда яна бир бор кўришимиз мумкин.

Шу вақтда Шукрилло Қосимов сўзга қўшилди:

— Зокир ака, мана мени ён дафтаримда ёзилган экан, Ахбор ёқа деган сўзни айтган экан.

— Энди бунга нима дейсиз, ҳали ҳам айтганим йўқ деб тураберасизми! — Йулдошев энди пичинг қилишга ўтди.

Пешонамдан муздек тер чиқиб, кўзим тингандек бўлди.

— Йўқ! Зокир Йулдошев, яна бир бор айтаман, мен ёқа деган сўзни ишлатганим йўқ! Агар ишлатган бўлсам, ҳар қандай жазога тайёрман!

— Булмаса бундай, — Зокир Йулдошев креслога утириб бўлган эди. — Ҳозир Шукрулло билан биринчи қаватга тушиб ёзилган материални кўриб чиқасиз, кейин менга учрашиб ахборот берасиз. Сизларга рухсат.

Хонага кириб боришимиз билан техник ходимлар экранни тайёрлаб беришди. У ерда эса менинг ҳам қувончим, ҳам ташвишим бўлиб қолган футбол ўйини бошланди:

Ҳа, қадрли дўстлар! Ҳозирги дақиқалардаги мана бу олқишлар бир хил фамилияли Чуркинларга бағишланган. «Пахтакор»нинг қанот ҳужумчиси Виктор Чуркин икки ҳимоячи орасидан ёриб ўтиб, тўпни зарб билан тепди, меҳмонлар дарвозабони Юрий Чуркин эса баланддан ниҳоятда катта тезликда учиб келаётган тўпга ўзини отиб, уни мушти билан уриб юборди, тўп эса тўсинга теккан ҳолда дарвоза ортига ўтиб кетди. Ака-укалар мана шундай маҳорат кўрсатишди...

— Дўстим, кечирасиз. Шу жойни яна бир марта кўриш мумкинми? — сўрайман техник ходимлардан.

Яна бир марта диққат билан кўрдик, юқоридаги гапларнинг ўзи такрорланди.

— Ёқа деган сўз айтилгани йўқ-ку, бунга нима дейсиз? — дедим Шукруллога.

Унинг илтимоси билан ёзувни учинчи марта кўрдик.

Шукрулло кечирим сўрашдан нарига ўтолмади. Унинг қулида очиқ турган ён дафтарчасини олиб қарасам у ерда умуман ҳеч нарса ёзилмаган экан.

Воқеаларни кузатиб турган муҳандис:

— Ахборжон, ҳозир Зокир Йўлдошевичга бирга кириб ҳаммасини гапириб беринг, у киши ишонмаса мана биз шу ердамиз, ёзув ҳам ўчирилгани йўқ — деди.

— Акажон, маъзур тутасиз, мен бундай инсонлар билан бир хонага кириб боришни ўзимга ор деб билман! — дедим жаҳл билан.

Шу куни ҳаётимда биринчи марта кечаси билан ухлолмасдан чиқдим.

Республика спорт қўмитасида мамлакатимиз ўқувчи ёшлари орасида жисмоний тарбиянинг оммавийлигини ошириш муаммолари бўйича катта йигилиш ўтказилиб, у ҳақда Ўзбекистон ойнаи жаҳони билан ҳамкорликда қатор кўрсатувлар тайёрлаш режалаштирилди. Ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти проректори, профессор Фатхиддин Насриддинов билан бирга телевидение томон йўл олдик. Телерадиокомпания раиси Эркин Ҳайитбоев ҳузурида бўлдик, суҳбат чоғида у киши ўзларининг биринчи муовинлари Элбек Мусаевни чақирдилар.

Элбек ака хонага кириб, барчамиз билан илиқ саломлашгач, сўз бошладилар:

— Эркин ака, агар руҳсат берсангиз, асосий мавзуга ўтишдан аввал, бир фикр айтсам. Маълумки, спорт шарҳловчимиз Ахборни биз «Пахтакор» командасига таклиф этишгандан сўнг унга жавоб берган эдик, ҳозирги кунда у «Спорт» газетасида ишляпти. Лекин унинг ўрни менимча фақатгина телевидениеда. Шу сабабли биз уни ўзимизга қайтаришимиз лозим. Агар у ҳозир ўз сафдошлари қаторига қайтишга розилик берса мен суҳбатларингга қўшиламан, бўлмаса йўқ. Лекин бир нарсани айтиб қўяй, сўзим қатъий.

Эркин ака ва Фатхиддин акалар ҳам бу фикрни қўллаб қувватладилар, орадан бироз вақт утгач мен яна жонажон жамоамга қўшилдим. Ўша даврларда спорт таҳририяти «Ёшлик» студиясининг бўлимларидан бири эди. Узоқ саъй-ҳаракатлардан сўнг, биз яна алоҳида мустақил таҳририят бўлиб олдик ва менга ўша таҳририятга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди.

Биринчи галдаги вазифа таҳририятни ёш, гайратли ва спортни яхши тушунадиган журналистлар билан тўлдириш эди. Кўпдан бери радиода ишлайдиган ана шундай ташаббускор бир йигитни билардим, у спортни яхши тушунарди, қатор эса қоларли эшиттиришлар тайёрлаганди, энг асосийси ҳеч нарсадан чўчимасди, болалар спорти унинг жони дили эди. Уни телевидениега таклиф этдим, бунинг учун ўзи ишлаётган таҳририят раҳбари билан учрашишим лозимлигини айтди, радиого бориб ўша раҳбар билан суҳбатлашиб уни кўндирдим.

Янги ходим тезда енг шимариб ишга киришди, 2—3 марта янги кўрсатувлар тайёрлаб танила бошлади. Лекин афсуски, бу яхши тадбир узоққа чўзилмади, ёш журналист ишга кеч қоладиган, эфирдаги кўрсатувларга келмай қоладиган одатлар чиқарди. Кейинроқ билсам у телевидение раҳбарларидан бири билан тил бириктириб менинг лавозимимни эгаллашни ўйлаб юрган экан. Натижада дастурдаги кўрсатув бирдан олиб ташланадиган, таҳририятга керакли вақтда тасвирчи берилмайдиган, баъзи вақтларда бизга мўлжалланган транспорт бошқа таҳририятларга бериб юбориладиган одатлар пайдо бўлди.

Эҳтимол менинг ўрнимда бошқа киши бўлганида бу ҳақда телерадиокомпания раҳбарларига хабар берган бўларди. Лекин биз ёшлиқдан арз қилишга ўрганмаганмиз. Хуллас, ҳеч қандай сабабсиз, мени таҳририят бош муҳарриригидан озод қилишди, шу билан ёш ходимга жой тайёрланди. Лекин режа амалга ошмай қолди. Ўша кунлари мени Ўзбекистон футбол федерациясига ишга таклиф этишди ва мен телевидениедан кетдим. Бош муҳаррирликка талабгор ёш журналист яна радиого қайтишга мажбур бўлди. Унга бош «маслаҳатчи» бўлган яна бир ходим «Ўзбекистон ахбороти» таҳририятидан ўзига паноҳ топди. Шундай қилиб, бирники мингга — мингники туманга деганларидек, бир киши касофатига спорт таҳририяти бараварига уч мутахассисдан маҳрум бўлди.